



Ўзбекистон Республикаси  
Интеллектуал мулк агентлиги

## РАСМИЙ АХБОРОТНОМА

1993 йилдан бошлаб нашр этилади

- Ихтиролар
- Фойдали моделлар
- Саноат намуналари
- Товар белгилари
- Товар келиб чиққан жой номлари
- ЭХМ учун дастурлар
- Маълумотлар базалари
- Интеграл микросхемалар топологиялари
- Селекция ютуқлари

(43) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга ва селекция ютуқларига талабномалар тўғрисидаги маълумотлар **2013 йил 31 октябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(45) Ушбу ахборотномага киритилган саноат намуналарига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2013 йил 31 октябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(450) Ушбу ахборотномага киритилган товар белгиларига гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар **2013 йил 31 октябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(46) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга, фойдали моделларга, селекция ютуқларига, ЭХМ учун дастурларга, маълумотлар базаларига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2013 йил 31 октябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

Тошкент  
2013 йил

**10(150)**

(19) UZ

Агентство по интеллектуальной  
собственности Республики Узбекистан



# ОФИЦИАЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

Издается с 1993 года

- **Изобретения**
- **Полезные модели**
- **Промышленные образцы**
- **Товарные знаки**
- **Наименования мест происхождения товаров**
- **Программы для ЭВМ**
- **Базы данных**
- **Топологии интегральных микросхем**
- **Селекционные достижения**

(43) Сведения о заявках на изобретения и селекционные достижения, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 октября 2013 года**

(45) Сведения об охраняемых документах на промышленные образцы, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 октября 2013 года**

(450) Сведения о свидетельствах на товарные знаки, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 октября 2013 года**

(46) Сведения об охраняемых документах на изобретения, полезные модели, селекционные достижения, программы для ЭВМ, базы данных, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 октября 2013 года**

Ташкент  
2013 год

**10(150)**

## МУНДАРИЖА

<b>I ИХТИРОЛАР</b>	
Ихтиролар ва фойдали моделларга оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.9 стандарти).....	5
Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
<b>1.1. BZ1A</b> Ихтироларга талабномалар	
A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш .....	6
B. Турли технологик жараёнлар.....	10
C. Кимё ва металлургия.....	13
D. Тўқимачилик ва қоғоз.....	21
E. Қурилиш; қончилик иши.....	22
F. Механика; ёритиш; иситиш; двигателлар ва насослар; портлатиш ишлари .....	24
G. Физика .....	31
H Электр.....	36
<b>1.5. BZ1A</b> Ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи	
1.1-бўлим учун ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи.....	38
Ихтиролар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
<b>1.2. FG4A</b> Ихтироларга патентлар	
A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш .....	40
C. Кимё ва металлургия.....	43
D. Тўқимачилик ва қоғоз.....	57
E. Қурилиш; қончилик иши.....	58
G. Физика .....	59
H Электр .....	60
<b>1.5. FG4A</b> 1.2-бўлим учун ихтироларга патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари .....	61
1.2-бўлим учун ихтиролар муаллифларининг ном кўрсаткичи .....	62
<b>II Фойдали моделлар</b>	
Фойдали моделлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
<b>2.1. FG4K</b> Фойдали моделларга патентлар	
A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш .....	64
D. Тўқимачилик ва қоғоз .....	64
E. Қурилиш; қончилик иши.....	67
F. Механика; ёритиш; иситиш; двигателлар ва насослар; портлатиш ишлари .....	69
G. Физика .....	69
<b>2.2. FG4K</b> Фойдали моделларга патентларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари .....	70
Фойдали моделлар муаллифларининг ном кўрсаткичи .....	71
<b>III САНОАТ НАМУНАЛАРИ</b>	
Саноат намуналарига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.80 стандарти) .....	73
Саноат намуналари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган саноат намуналари ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
<b>3.1. FG4L</b> Саноат намуналарига патентлар .....	74
<b>3.2. FG4L</b> Саноат намуналарига патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	78
<b>IV ТОВАР БЕЛГИЛАРИ</b>	
Товар белгиларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.60 стандарти) .....	79
<b>4.1. FG4W</b> Товар белгилари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	79
<b>4.2. FG4W</b> Товар белгиларига гувоҳномалар ва талабномалар бўйича тизимли ва рақамли кўрсаткичлар.....	126
<b>X ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ҲУҚУҚНИ ТОПШИРИШ БҲЙИЧА ШАРТНОМАЛАР</b>	
<b>10.1. QB4K/4L/4W</b> Лицензия шартномалари .....	131
<b>10.2. PC4A/4W</b> Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар .....	133
<b>XI ХАБАРЛАР</b>	
<b>MB4W</b> Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини Апелляция кенгашининг қарорига биноан муддатидан илгари тўхтатиш.....	137
<b>ND4A</b> Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патентининг амал қилиш муддатини тиклаш ва узайтириш.....	137
<b>ND4K</b> Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентининг амал қилиш муддатини тиклаш ва узайтириш .....	138
<b>ND4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш .....	138
<b>PD4A</b> Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патент эгасининг номини ўзгартириш .....	139
<b>PD4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг номини ўзгартириш.....	139
<b>TE4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилини ўзгартириш.....	140
<b>TE4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилгоҳини ўзгартириш .....	140
<b>XIV РҲЙХАТГА ОЛИНГАН ТОВАР БЕЛГИЛАРИ РАНГЛИ ТАСВИРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ.....</b>	<b>141</b>

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>I</b>	<b>ИЗОБРЕТЕНИЯ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к изобретениям и полезным моделям (Стандарт ВОИС ST.9).....	5
	Публикация сведений о принятых заявках на изобретения	
	<b>1.1. VZ1A</b> Заявки на изобретения	
	<b>A.</b> Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	6
	<b>B.</b> Различные технологические процессы.....	10
	<b>C.</b> Химия и металлургия.....	13
	<b>D.</b> Текстиль и бумага .....	21
	<b>E.</b> Строительство; горное дело .....	22
	<b>F.</b> Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы.....	24
	<b>G.</b> Физика .....	31
	<b>H.</b> Электричество .....	36
	<b>1.5. VZ1A</b> Систематический указатель заявок на изобретения	
	Систематический указатель заявок на изобретения к подразделу 1.1 .....	38
	Публикация сведений об изобретениях, зарегистрированных в Государственном реестре изобретений	
	<b>1.2. FG4A</b> Патенты на изобретения	
	<b>A.</b> Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	40
	<b>C.</b> Химия и металлургия .....	43
	<b>D.</b> Текстиль и бумага .....	57
	<b>E.</b> Строительство; горное дело .....	58
	<b>H.</b> Электричество .....	60
	<b>1.5. FG4A</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на изобретения к подразделу 1.2 .....	61
	Именной указатель авторов изобретений к подразделу 1.2 .....	62
<b>II</b>	<b>ПОЛЕЗНЫЕ МОДЕЛИ</b>	
	Публикация сведений о полезных моделях, зарегистрированных в Государственном реестре полезных моделей	
	<b>2.1. FG4K</b> Патенты на полезные модели	
	<b>A.</b> Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	64
	<b>D.</b> Текстиль и бумага .....	64
	<b>E.</b> Строительство; горное дело .....	67
	<b>F.</b> Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы.....	69
	<b>G.</b> Физика .....	69
	<b>2.2. FG4K</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на полезные модели .....	70
	Именной указатель авторов полезных моделей .....	71
<b>III</b>	<b>ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к промышленным образцам (Стандарт ВОИС ST. 80).....	73
	Публикация сведений о промышленных образцах, зарегистрированных в Государственном реестре промышленных образцов	
	<b>3.1. FG4L</b> Патенты на промышленные образцы .....	74
	<b>3.2. FG4L</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на промышленные образцы .....	78
<b>IV</b>	<b>ТОВАРНЫЕ ЗНАКИ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к товарным знакам (Стандарт ВОИС ST.60).....	79
	<b>4.1. FG4W</b> Публикация сведений о товарных знаках, зарегистрированных в Государственном реестре товарных знаков .....	79
	<b>4.2. FG4W</b> Систематический и нумерационный указатели свидетельств и заявок на товарные знаки.....	126
<b>X</b>	<b>ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ</b>	
	<b>10.1. QV4K/4L/4W</b> Лицензионные договоры .....	131
	<b>10.2. PC4A/4W</b> Договоры о передаче прав.....	133
<b>XI</b>	<b>ИЗВЕЩЕНИЯ</b>	
	<b>MB4W</b> Досрочное прекращение действия свидетельства на товарный знак на основании решения Апелляционного совета.....	137
	<b>ND4A</b> Продление и восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на изобретение .....	137
	<b>ND4K</b> Продление и восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на полезный модель.....	138
	<b>ND4 W</b> Продление срока действия свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак.....	138
	<b>PD4A</b> Изменение наименования патентообладателя патента Республики Узбекистан на изобретение.....	139
	<b>PD4W</b> Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	139
	<b>TE4W</b> Изменение адреса патентообладателя патента Республики Узбекистан на изобретение.....	140
	<b>TE4W</b> Изменение адреса владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	140
<b>XIV</b>	<b>ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ ЦВЕТНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ.....</b>	141

**ИХТИРОЛАР ВА ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРГА ОИД БИБЛИОГРАФИЯ  
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН  
ХАЛҚАРО КОДЛАР  
(БИМТ ST.9 стандарти)**

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ БИБЛИОГРАФИЧЕСКИХ  
ДАННЫХ, ОТНОСЯЩИХСЯ  
К ИЗОБРЕТЕНИЯМ И ПОЛЕЗНЫМ МОДЕЛЯМ  
(Стандарт ВОИС ST.9)**

- |  |   |
|--|---|
| <b>(11)</b> - патент рақами  | <b>(11)</b> - номер патента   |
| <b>(13)</b> - ҳужжат турининг коди   | <b>(13)</b> - код вида документа  |
| <b>(21)</b> - талабномани рўйхатдан ўтказиш рақами   | <b>(21)</b> - регистрационный номер заявки  |
| <b>(22)</b> - талабномани топшириш санаси  | <b>(22)</b> - дата подачи заявки  |
| <b>(23)</b> - бошқа сана(лар), жумладан бирмунча олдин топширилган талабномага қўшимча материаллар келиб тушган сана   | <b>(23)</b> - прочая(ие) дата(ы), включая дату поступления дополнительных материалов к более ранней заявке  |
| <b>(31)</b> - устуворлик талабномасининг рақами  | <b>(31)</b> - номер приоритетной заявки   |
| <b>(32)</b> - устуворлик талабномасининг топширилиш санаси   | <b>(32)</b> - дата подачи приоритетной заявки   |
| <b>(33)</b> - устуворлик мамлакатининг коди  | <b>(33)</b> - код страны приоритета   |
| <b>(46)</b> - муҳофаза ҳужжатининг чоп этилиш санаси   | <b>(46)</b> - дата публикации охранного документа   |
| <b>(51)</b> - Халқаро патент классификациясининг (ХПК) индекси(лари)   | <b>(51)</b> - индекс(ы) Международной патентной классификации (МПК)   |
| <b>(54)</b> - ихтиро номи  | <b>(54)</b> - название изобретения  |
| <b>(57)</b> - ихтиро ёки фойдали моделнинг реферати, формуласи   | <b>(57)</b> - реферат, формула изобретения или полезной модели  |
| <b>(60)</b> - бошқа ҳуқуқий ёки процедура бўйича боғлиқ миллий ёки собиқ миллий патент ҳужжатларига ҳаволалар  | <b>(60)</b> - ссылки на другие юридически или процедурно связанные отечественные или бывшие отечественные патентные документы   |
| <b>(63)</b> - ўзининг давоми бўлган ушбу ҳужжатга нисбатан бирмунча олдин топширилган талабноманинг рақами ва санаси   | <b>(63)</b> - номер и дата подачи более ранней заявки, по отношению к которой настоящий документ является продолжением  |
| <b>(65)</b> - ушбу талабномага тегишли илгари нашр қилинган патент ҳужжатининг рақами  | <b>(65)</b> - номер ранее опубликованного патентного документа, касающегося данной заявки   |
| <b>(71)</b> - талабнома берувчининг номи, мамлакат коди  | <b>(71)</b> - имя заявителя, код страны   |
| <b>(72)</b> - муаллифнинг номи, мамлакат коди  | <b>(72)</b> - имя автора, код страны  |
| <b>(73)</b> - патент эгасининг номи  | <b>(73)</b> - имя патентообладателя   |
| <b>(85)</b> - РСТнинг 23(1)- ёки 40(1) - моддасига мувофиқ халқаро талабноманинг миллий босқичга ўтиш санаси   | <b>(85)</b> - дата перехода международной заявки на национальную фазу в соответствии со ст.23(1) или 40(1) РСТ  |
| <b>(86)</b> - РСТ халқаро талабномасининг талаб қилинувчи маълумотлари, яъни талабнома топширилган сана, талабноманинг рўйхатга олиш рақами ва факультатив равишда нашр қилинган талабнома дастлабки топширилгандаги тил | <b>(86)</b> - заявочные данные международной заявки РСТ, т.е. дата подачи заявки, регистрационный номер заявки и факультативно язык, на котором была первоначально подана опубликованная заявка |
| <b>(87)</b> - РСТ халқаро талабномасининг нашр қилинишига оид маълумотлар, яъни талабноманинг нашр қилинган санаси, нашр рақами ва факультатив равишда талабнома нашр қилинган тил                                       | <b>(87)</b> - данные относительно публикации международной заявки РСТ, т.е. дата публикации, номер публикации и факультативно язык публикации заявки  |

## I. ИХТИРОЛАР

## ИЗОБРЕТЕНИЯ

Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни  
нашр қилиш

## Публикация сведений о принятых заявках на изобретения

## 1.1. BZ1A

## ИХТИРОЛАРГА ТАЛАБНОМАЛАР

## ЗАЯВКИ НА ИЗОБРЕТЕНИЯ

А бўлим  
ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ  
ҚОНДИРИШРаздел А  
УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ЖИЗНЕННЫХ  
ПОТРЕБНОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА

## А 21

(13)В

(21) IAP 2012 0148 (22) 28.09.2010

(51) 8 A 21 D 8/04

(31)(32)(33) 200910176113.6,18.09.2009, CN

(71) ЭЙНДЖЕЛИСТ КО., ЛТД, CN

(72) Ю, Сюэфенг, ЛИ, Чжихун, Ю, Минхуа,

ЯО, Цзюань, КУАН, Цзиньбао, ЛУ, Фа, CN

(85) 17.04.2012

(86) 28.09.2010, PCT/CN2010/077387

(87) WO 2011/032523, 24.03.2011

(54) Қуритилган хамиртуруш композицияси  
ва уни тайёрлаш усулиКомпозиция сушеных дрожжей и способ её  
приготовления

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* озиқ-овқат саноати, хусусан, нон пишириш, айнан қуритилган хамиртуруш тайёрлаш усули. *Вазифаси:* қуритилган хамиртурушнинг янги композициясини, уларни тайёрлашнинг ва паст ҳароратда намлигини тиклашнинг самарали усулларини яратиш. *Ихтиро моҳияти:* таклиф этилган ихтирода қуритилган хамиртуруш оғирлигидан 0,5 - 2,0% микдорда эмульгатор ва 0,1 - 1,0% микдорда ўсимлик мойини, афзалроғи қуритилган хамиртуруш оғирлигидан 0,8 - 1,5% микдорда эмульгатор ва 0,3 - 0,6% микдорда ўсимлик мойини ўз ичига олган, қуритилган хамиртуруш

композицияси келтирилган. Кўрсатилган композицияни олиш усули ва паст ҳароратда намлиги тикланганда қуритилган хамиртуруш фаоллиги йўқолишини бартараф қилиш усули таклиф қилинган.

*Использование:* пищевая промышленность, в частности, хлебопечение, а именно: способ приготовления сушеных дрожжей. *Задача:* разработка новой композиции сушеных дрожжей, эффективных способов их приготовления и регидратации при низкой температуре. *Сущность изобретения:* в предлагаемом изобретении заявлена композиция сушеных дрожжей, содержащая 0,5 - 2,0% эмульгатора и 0,1 - 1,0% растительного масла от веса сушеных дрожжей, предпочтительно 0,8 - 1,5% эмульгатора и 0,3 - 0,6% растительного масла от веса сушеных дрожжей. Предложен способ получения указанной композиции сушеных дрожжей и способ предотвращения потери активности сушеных дрожжей при их регидратации (восстановление влагосодержания) при низкой температуре.

## А 22

(13)В

(21) IAP 2013 0370 (22) 09.09.2013

(51) 8 A 22 C 11/12, A 61 K 37/18

(71) Фатхуллаев Абдунаби, UZ

(72) Фатхуллаев Абдунаби, Фатхуллаев

Абдулла Абдунабиевич, Фатхуллаева Феруза

Абдунабиевна, UZ

(63) IAP 20110118, 30.03.2011

**(54) Топинамбур туганакларидан озукавий кўшимча олиш усули**

**Способ получения пищевой добавки из клубней топинамбура**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** гўштни қайта ишлаш саноати, айнан, гўштни қайта ишлаш саноатида фойдаланиш учун топинамбур туганакларидан озукавий кўшимча ишлаб чиқариш.

**Вазифаси:** топинамбур туганакларидан пастроқ буғлаш режимларидан фойдаланилгани ҳисобига яхшиланган органолептик кўрсаткичларга эга бўлган концентрат олишнинг чиқитсиз усулини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** топинамбур туганакларидан концентрат олиш усули туганакларнинг майдалаш, пресслаб шарбатини олишни ўз ичига олади. Шарбатни 1/2 ҳажми қолгунча буғлатилади, кристаллаб кейин олинган охирги маҳсулотнинг биринчи фракцияси ажратиб олинади ва қуритилади. Шарбат ажратиб олингандан кейин қолган турп экстракцияланади, олинган сувли масса 1/10 ҳажми қолгунча буғлатилади, кристаллаб кейин олинган охирги маҳсулотнинг иккинчи фракцияси ажратиб олинади. Сувли массадан қолган турп лимон кислотасининг 1,8 - 2,0 рНли сувдаги эритмасида экстракцияланади, олинган экстракт 1/10 ҳажми қолгунча буғлатилади, 1:3 нисбатдаги 96% ли этанол билан чўктирилади, кейин охирги маҳсулотнинг учинчи фракцияси ажратиб олинади ва қуритилади. Лимон кислотасининг сувдаги эритмасида экстракциялангандан кейин қолган турпни қуритиб охирги маҳсулотнинг тўртинчи фракцияси олинади. Охирги маҳсулотнинг юқорида олинган барча фракциялари бирлаштирилади ва туйилади. Майдалашдан олдин топинамбур туганакларининг пўстидан тозаланади. Юқорида келтирилган буғлатиш жараёнлари 50°C ҳароратда олиб борилади ва буғлатиш жараёнида буғлатилаётган маҳсулотларга 2 дан 40 мкмгача тўлқин узунлидаги инфракизил нурлар билан таъсир этилади.

**Использование:** мясоперерабатывающая промышленность, а именно: производство пищевой добавки из клубней топинамбура для использования в мясоперерабатывающей промышленности. **Задача:** разработка безотходного способа получения концентрата из клубней топинамбура с улучшенными органолептическими показателями за счет использования щадящих температурных режимов упаривания. **Сущность изобретения:** способ получения концентрата из клубней топинамбура включает их измельчение, отделение сока прессованием. Сок упаривают до 1/2 объема, кристаллизуют с

последующим отделением и высушиванием полученной первой фракции целевого продукта. Выжимки, оставшиеся после отделения сока, экстрагируют, полученное водное извлечение упаривают до 1/10 объема, кристаллизуют с последующим отделением и высушиванием полученной второй фракции целевого продукта. Выжимки, оставшиеся после водного извлечения, экстрагируют водным раствором лимонной кислоты с рН 1,8 - 2,0, упаривают полученный экстракт до 1/10 объема, осаждают 96%-ным этанолом в соотношении 1:3 с последующим отделением и высушиванием полученной третьей фракции целевого продукта. Выжимки, оставшиеся после экстрагирования водным раствором лимонной кислоты, сушат с получением четвертой фракции целевого продукта. Все полученные выше фракции целевого продукта объединяют и размалывают. Клубни топинамбура перед измельчением очищают от кожуры. Вышеуказанные процессы упаривания ведутся при 50°C, и в процессе упаривания на упариваемые продукты воздействуют инфракрасным излучением длиной волны от 2 до 40 мкм.

A 61

(13)B

(21) IAP 2012 0158

(22) 20.04.2012

(51) 8 A 61 B 17/00

**(71)(72)** Салимов Шавкат Тешаевич, Вахидов Алишер Шавкатович, Абдусаматов Бобир Закирович, Эргашев Миршод Равшанович, Усманов Хожиакбар Сабинович, UZ

**(54) Болаларда жигарнинг диафрагмал (VII-VIII) сегментларида лапароскопик эхинококкэктомия усули**

**Способ лапароскопической эхинококкэктомии с диафрагмальных (VII-VIII) сегментов печени у детей**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, (жаррохлик, хусусан, болаларда жигарнинг диафрагмал сиртидан лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишда). **Вазифаси:** ҳозирги кунда болалар жаррохлиги амалиётида йўл қўйилмайдиган ҳолат бўлган жигарнинг диафрагмал сегментидан (VII-VIII сегментлардан) лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишнинг янги усулини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** операциядан олдинги тайёргарлик ва миорексантлардан ва нафас олишни бошқаришдан фойдаланган ҳолда эндотрахеал наркозни амалга оширишни ўз ичига олган болаларда жигарнинг диафрагмал сиртидан лапароскопик эхинококкэктомияни амалга ошириш усулида ян-

гилиги клиникада ишлаб чиқилган низомга мувофиқ операция ҳаракатлари бурчагини ошириш учун бош қисми баланд кўтарилиб чап ёнбошга бурилишидан иборат.

**Использование:** медицина, (хирургия, в частности, при лапароскопической эхинококкэктомии с диафрагмальной поверхности печени у детей). **Задача:** создание нового способа лапароскопической эхинококкэктомии с диафрагмальных сегментов печени (VII-VIII сегментов), который в настоящее время в практике детских хирургов является абсолютным противопоказанием. **Сущность изобретения:** новым в способе лапароскопической эхинококкэктомии с диафрагмальной поверхности печени у детей, включающем предоперационную подготовку и наркоз эндотрахеальный, с использованием миорексантов и управляемого дыхания, является то, что при «положении, разработанном в клинике, создают возвышенный головной конец с поворотом на левый бок для увеличения угла операционного действия.

(13)B

(21) IAP 2012 0163

(22) 03.09.2010

(51) 8 A 61 K 31/165, A 61 K 31/366, A 61 K 31/40, A 61 K 31/30, A 61 K 31/415, A 61 K 31/416, A 61 K 31/417, A 61 K 45/06, A 61 P 29/00

(31)(32)(33) 09425368.9, 23.09.2009, EP

(71) АЗИЕНДЕ ХИМИШЕ РИЮНИТЕ АНЖЕЛИНИ ФРАНЧЕСКО А.С.Р.А.Ф.С.п.А., ИТ АЗИЕНДЕ ХИМИШЕ РИЮНИТЕ АНЖЕЛИНИ ФРАНЧЕСКО А.С.Р.А.Ф.С.п.А., Виале Амелиа, 70, И-00181 Рим, Италия, ИТ

(72) ГУГЛИЕЛМОТТИ, Анджело,; ГАРРОНЕ, Беатрис,; БЛЕ', Алессандро,; БИОНДИ, Джузеппе, ИТ

(85) 23.04.2012

(86) 03.09.2010, PCT/EP2010/062979


(87) WO 2011/036047, 31.03.2011

(54) МСР-1 билан боғлиқ яллиғланиш касалликларини даволаш учун фармацевтик композиция

Фармацевтическая композиция для лечения связанных с МСР-1 воспалительных заболеваний


(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтик кимё ва тиббиёт, айнан, МСР-1 билан боғлиқ яллиғланиш касалликларини даволаш учун фармацевтик композиция. **Вазифаси:** беморларда юзага келадиган асоратларни дори самарасини пасайтирмаган ҳолда камайтиришга имкон берадиган МСР-1 билан боғлиқ яллиғланиш ка-

салликларини даволаш учун фармацевтик композицияни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** (I) формулага мувофиқ 1-бензил-3-гидроксииметиллиндазол ҳосилаларининг АСЕ ингибиторлари, ренин ингибиторлари, ARB ва ССВ, ва/ёки статин ҳосилаларидан танлаб олинган холестерин даражасини пасайтирувчи воситаларидан танлаб олинган ва босимни пасайтирувчи комбинациясини ўз ичига олган фармацевтик композиция



Комбинация МСР-1 даражасини пасайтиришда аддитив ва синергетик фаолликни намоиш қилди ва шу тарзда яллиғланиш реакциясини ингибирлашни яхшилади ва натижада яллиғланиш касалликларига дучор бўлган беморларда юзага келган асоратларни камайтиради.

**Использование:** фармацевтическая химия и медицина, а именно: фармацевтическая композиция для лечения связанных с МСР-1 воспалительных заболеваний. **Задача:** создание фармацевтических композиций для лечения связанных с МСР-1 воспалительных заболеваний, позволяющих уменьшить осложнения, возникающие у пациентов, без снижения эффективности. **Сущность изобретения:** фармацевтическая композиция, включающая комбинацию производного 1-бензил-3-гидроксииметиллиндазола, согласно формуле (I)



понижающего давление средства, выбранного из ингибиторов АСЕ, ингибиторов ренина, ARB и ССВ, и/или средства, понижающего уровень холестерина, выбираемого из производных статина. Комбинация демонстрирует аддитивную и синергетическую активность в снижении уровней МСР-1., таким образом существенно улучшая ингибирование воспалительной реакции и, вследствие этого, уменьшая осложнения, возникающие у пациентов, страдающих воспалительными заболеваниями.



(13)B

(21) IAP 2012 0164

(22) 24.04.2012

(51) 8 A 61 K 31/00, A 61 K 35/78

(71) Давлатов Равшан Бердиевич, UZ

(72) Давлатов Равшан Бердиевич, Ибрагимов Давлетбай, UZ

(54) Қишлоқ хўжалик паррандаларини даволаш учун доривор восита

Лекарственное средство для лечения сельскохозяйственных птиц

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт ва ветеринария, хусусан, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалари паразитар касалликлари ва бактериал инфекцияларининг ассоциацияланган (аралаш) шакллари даволаш ва кимёвий профилактикасини амалга ошириш учун дори воситаси. *Вазифаси:* ҳам паразитар, ҳам бактериал этиологияли ассоциацияланган шаклли касалликларни даволаш учун юқори самарали синергетик воситани яратиш. Бундан ташқари, асосий таъсир этувчи моддалар дозасини камайтириш, паррандалар организмни кимёлаштиришни камайтириш, паррандачилик маҳсулотининг сифатини ошириш. *Ихтиро моҳияти:* озуқа массасига ҳисобланган миқдорда қўшиладиган даволаш препаратини ўз ичига олган қишлоқ хўжалик паррандаларини даволаш учун дори воситаси таркибига ампролиум, фуразолидон ва левомицетин куруқ озуканинг мг/кг миқдorigа қуйидаги нисбатларда киритилган:

ампролиум – 70,  
фуразолидон - 230  
левомицетин - 200

Уни жўжаларга 15 кунлик ёшидан бошлаб 10-12 кун давомида 3 кунлик танаффусли узлукли схема бўйича бериш керак.

*Использование:* медицина и ветеринария, в частности, лекарственные средства для лечения и химиопрофилактики ассоциированных (смешанных) форм паразитарной болезни и бактериальной инфекции сельскохозяйственных животных и птиц. *Задача:* создание высокоэффективного синергетического средства для лечения ассоциированных форм болезни как паразитарной, так и бактериальной этиологии. Кроме того, необходимо снижение дозы основных действующих веществ, снижение химизации организма птиц, улучшение качества птицеводческой продукции. *Сущность изобретения:* лекарственное средство для лечения сельскохозяйственных птиц, содержащее лечебный препарат, вносимый в расчетном количестве в кор-

мовую массу, содержит взятые в соотношении мг/кг сухого корма в количестве:

ампролиум - 70  
фуразолидон - 230  
левомицетин - 200

Его необходимо давать цыплятам по прерывистой схеме с 3-х дневным перерывом с 15-дневного возраста в течение 10-12 дней.

(13)B

(21) IAP 2012 0161

(22) 21.09.2010

(51) 8 A 61 K 31/545

(31)(32)(33) 61/244, 120, 21.09.2009, US

(31)(32)(33) 61/294, 901, 14.01.2010, US

(71) АСТРАЗЕНЕКА АБ, SE

(72) ТАЙ, Дирк, ТЕЛБОТ, Джордж, US

(85) 20.04.2012

(86) 21.09.2010, PCT/US2010/049659

(87) WO 2011/035305, 24.03.2011

(54) Цефтаролинни қўллаган ҳолда бактерияли инфекцияларни даволаш композициялари ва усуллари

Композиции и способы лечения бактериальных инфекций с использованием цефтаролина

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт, дорилар ва дори-дармонлар. *Вазифаси:* цефтаролин ёки унинг ҳосиласини ўз ичига олган янги ва яхшиланган композицияларни ва бактериал инфекцияларни цефтаролин ёки унинг ҳосиласини киритиш йўли билан даволаш усуллари яратиш. *Ихтиро моҳияти:* ихтиро цефтаролин ёки унинг ҳосиласини (масалан, цефтаролин фозамил) ўз ичига олган композицияларга ва терининг ва тери ости бириктирувчи тўқима (сSSSI) асоратли инфекциялари ва касалхонадан ташқари бактериал зотилжам (САВР) каби бактериал инфекцияларни цефтаролин ёки унинг ҳосиласини (масалан, цефтаролин фозамил)ни киритиш йўли билан даволаш усуллари тааллуқли.

*Использование:* медицина, лекарства и медикаменты. *Задача:* разработка новых и улучшенных композиций, содержащих цефтаролин или его пролекарство, и способов лечения бактериальных инфекций путем введения цефтаролина или его пролекарства. *Сущность изобретения:* изобретение относится к композициям, содержащим цефтаролин или его пролекарство (например, цефтаролин фозамил) и способам лечения бактериальных инфекций, таких, как осложненные инфекции кожи и подкожной

клетчатки (сSSSI) и внебольничная бактериальная пневмония (САВР), путем введения цефтаролина или его пролекарства (*например*, цефтаролин фозамила).

(13)В

(21) IAP 2012 0130

(22) 05.04.2012

(51) 8 А 61 К 39/02

(71)(72) Нарзуллаев Нуриддин Умарович, UZ

**(54) ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда ва ўсмирларда сурункали ЛОР-аъзолари касалликларини даволаш усули**  
**Способ лечения хронических заболеваний ЛОР-органов у ВИЧ-инфицированных детей и подростков**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, хусусан, педиатрияда ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда ва ўсмирларда сурункали ЛОР-аъзолари касалликларини даволаш учун. **Вазифаси:** эндоген интерферонни рағбатлантириш ва иммун тизими патоген функцияларини коррекциялаш. **Ихтиро моҳияти:** ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда ва ўсмирларда сурункали ЛОР-аъзолари касалликларини даволаш усули кенг таъсир спектрли антибиотиклар ва иммуномодуляторни киритишни ўз ичига олган бўлиб, унда иммуномодулятор сифатида эндоферон бемор оғирлигининг ҳар килограммига 1-4 мг нисбатда бир марта, кейин 24, 36, 72, 96 соатдан сўнг киритилади ва бир вақтнинг ўзиде 5 мин давомида травамакс эритмаси билан ингаляция ўтказилади.

**Использование:** медицина, в частности, педиатрия, для лечения хронических заболеваний ЛОР-органов у ВИЧ-инфицированных детей и подростков. **Задача:** стимулирование эндогенного интерферона и коррекция патогенных функций иммунной системы. **Сущность изобретения:** способ лечения хронических заболеваний ЛОР-органов у ВИЧ-инфицированных детей и подростков включает введение антибиотиков широкого спектра действия и иммуномодулятора, причем в качестве иммуномодулятора вводят эндоферон однократно по 1-4 мг/кг веса больного, а затем через 24, 36, 72, 96 часов и одновременно проводят ингаляции с раствором травамакс в течение 5 мин.

В бўлими

ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Раздел В

РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

В 01

(13)В

(21) IAP 2012 0145

(22) 16.04.2012

(51) 8 В 01 J 23/882, В 01 J 23/883, В 01 J 21/12, В 01 J 37/04, С 10 G 45/06,

(71) А. Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти, UZ

Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт имени А. Султанова, UZ

**(72) Юнусов Мирахмат Пулатович, Молодоженюк Татьяна Борисовна, Джалалова Шахноз Бадамбаевна, Исаева Нурхон Фархатовна, Мирзаева Елена Инокентьевна, Махкамов Хурсанд Мансурович, Тоштемиров Боходир Вахобович, Урунбаев Даврон, Бахрамов Рустам, Давранов Алишер Тулкунбаевич, UZ**

**(54) Ҳимоя тизими катализатори ва уни тайёрлаш усули**

**Катализатор защитной системы и способ его приготовления**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** нефт ва газни қайта ишлаш ва нефткимёси саноати. **Вазифаси:** юқори металлсизлантириш хоссаларига эга бўлган, арзон, механик жиҳатдан мустаҳкам, оптимал кислоталилик хоссага эга бўлган Ҳимоя қатлам катализаторини олиш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** Ангрен каолини, гидрооксид ва оксид алюминий кукунларига молибден тузининг сувли эритмаси, ортофосфор ёки азот кислота эритмалари билан аралаштириш, формалаш, қуритиш ва тоблаш орқали олинган молибденли паст фоизли Ҳимоя қатлам катализаторини олиш усули таклиф этилган. Бунда майда дисперс фракцияли гидрооксид алюминий ва каолин, ҳамда йирик дисперс фракцияли оксид алюминий қуйдаги нисбатларда олинади: 1: (0,5-1,5): (0,5-1,8). Оксид алюминий сифатида таркибида 2,5% оғирликкача  $V_2O_5$  бўлган полиэтилен ишлаб чиқариши чиқиндисиде бўлган ишлатилган адсорбентдан фойдаланилган.

**Использование:** нефте- и газоперерабатывающая и нефтехимическая промышленность. **Задача:** разработка способа, позволяющего получить недорогой механически прочный катализатор защитного слоя, с широкопористой структурой с оптимальной кислотностью и с повышенной деме­таллизирующей способностью. **Сущность изобретения:** предложен способ получения низкопроцентного молибденсодержащего катализатора защитной системы путем смешения порошков гидроксида и оксида алюминия, а также ангренского каолина, с водным раствором соли молибдена в разбавленной ортофосфорной кислоте или азотной кислоте, с последующей экструзией, сушкой и прокалкой гранул. При этом используют смесь тонко дисперсной фракции гидроксида алюминия и каолина, а также грубодисперсной фракции оксида алюминия следующего соотношения: 1:(0,15-1,5):(0,5-1,8), а в качестве оксида алюминия используют отработанный адсорбент- отход производства полиэтилена, содержащего до 2,5 масс. %  $V_2O_5$ .

## (13)В

(21) IAP 2012 0143

(22) 13.04.2012

(51) 8 В 01 J 21/04, В 01 J 23/882, В 01 J 37/04

(71) А.Султонов номли Ўзбекистон кимё- фармацевтика илмий тадқиқод институти, UZ  
Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт им. А.Султанова, UZ

(72) Юнусов Мирахмат Пулатович, Джалалова Шахноз Бадамбаевна, Молодоженов Татьяна Борисовна, Тешабаев Зафаржон Алимович, Исаева Нурхон Фархатовна, Махкамов Хурсанд Мансурович, Абдурахимов Музаффар Олимович, Мусаева Гулсара Хасимовна, UZ

(54) Қолдиқ нефт фракцияларининг гидротозалаш курилмаси учун бирламчи гидротозалаш катализаторини тайёрлаш усули

Способ приготовления катализатора предгидроочистки для установки гидроочистки остаточных фракций нефти

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** нефт ва газни қайта ишлаш ва нефткимёси саноати. **Вазифаси:** реакторда босимлар фарқини ошишини камайтириш, регенерациялаш муддатини узайтириш, асосий катализатор фаоллигини металлкомплекслар, асфальтенлар ва нафтен кислоталарнинг тузлари таъсирида камайишини олдини олишни таъминлайдиган механик мустаҳкам, арзон бирламчи гидротозалаш катализаторини олиш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** қолдиқ нефт фракцияларини гидротозалаш

курулмаси учун никель ва (ёки) кобальт молибденли бирламчи гидротозалаш катализаторини алюминий ва кремний оксиддан иборат ташувчига актив компонентларни ғовак ҳосил қилувчилар иштирокида шимдириш йўли билан олиш усули таклиф қилинган бўлиб, усул ташувчини тайёрлашда алюминий оксиди ва кремний оксидларидан ташқари  $650^{\circ}\text{C}$  қиздирилган ишлатилган алюмооксид адсорбентидан компонентларнинг қуйдаги нисбатида фойдаланилганлиги билан фарқланади: гидрооксид алюминий: каолин: ишлатилган алюмооксидли адсорбент = 1,0:0,5:1,0.

**Использование:** нефте- и газоперерабатывающая и нефтехимическая промышленность. **Задача:** разработка способа, позволяющего получить недорогой механически прочный катализатор лобового слоя для предотвращения загрязнения и дезактивации нижележащего слоя дорогостоящего катализатора продуктами уплотнения асфальтенов, металлокомплексов и солей нафтенных кислот и, как следствие, снижение роста перепада давления в реакторах и удлинение времени межрегенерационного периода. **Сущность изобретения:** предложен способ приготовления никель- и (или) кобальт-молибденсодержащего катализатора предгидроочистки для установки гидроочистки остаточных фракций нефти путем пропитки носителя, содержащего оксиды алюминия и кремния, активными компонентами в присутствии порообразователя, отличающийся тем, что при приготовлении носителя кроме гидроокиси алюминия и серого каолина также используют прокаленный при  $650^{\circ}\text{C}$  отработанный алюмооксидный адсорбент при следующем соотношении компонентов: гидрооксид алюминия: каолин: отработанный алюмооксидный адсорбент = 1,0:0,5:1,0.

## В 23

## (13)В

(21) IAP 2012 0147

(22) 17.04.2012

(51) 8 В 23 Н 1/00, С 23 С 14/02, С 23 F 4/04

(71) O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Ion-Plazma va Lazer Texnologiyalari Instituti, UZ  
Институт ионно-плазменных и лазерных технологий Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Ашуров Хатам Бахронович, Арустамов Владимир Николаевич, Кадыров Хусниддинхужа Хасанович, Харьяков Владимир Петрович, Худайкулов Илёс Холмурадович, UZ

**(54) Металл қувурнинг ташқи сиртига ишлов бериш усули ва уни амалга ошириш қурилмаси**

**Способ обработки внешней поверхности металлической трубы и устройство для его реализации**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** металлургия, машинасозлик, кон саноати тармоқлари. **Вазифаси:** унумдорликни ва металл сиртига ишлов бериш сифатини ошириш ва жараённинг юқори тежамлилиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаган ҳолда қоплама ҳосил қилиш. **Ихтиро моҳияти:** усул ишлов берилиши лозим бўлган қувур (қувурсимон буюм)нинг ташқи сирти ва корпуснинг ички сирти орасида вакуумли технологик бўшлиқ ҳосил қилишни, буюмдан электрод сифатида фойдаланишни, электр разрядни қўзғатишни, қувур (қувурсимон буюм)га ишлов бериш ва тозалашда унинг ташқи сиртига ва материали буюмнинг ташқи сиртига қоплама ҳосил қилишда пуркаладиган электродга (электрод тизимга) вакуум ёйли разряднинг, катод плазма, бошқа электр разрядлари катод доғлари билан таъсир этишни ўз ичига олади. Қурилма корпус ичига жойлаштирилган ишлов берилаётган буюм қувури (қувурсимон буюм)ни, вакуум тизимининг бир қисми бўлган вакуумли технологик ҳажм ҳосил қиладиган қиррали элементларини, вакуум ҳосил қилиш тизимини, газ атмосфераси, электр разряд қўзғатувчи тизимни ўз ичига олади.

**Использование:** металлургия, машиностроение, добывающие отрасли. **Задача:** повышение производительности и качества обработки поверхности и нанесение покрытия при высокой экономичности и экологичности процесса. **Сущность изобретения:** способ включает создание вакуумной технологической полости между внешней поверхностью трубы (трубчатого изделия), которая подлежит обработке, и внутренней поверхностью корпуса, использование изделия в качестве электрода, возбуждение электрического разряда, воздействие катодными пятнами вакуумного дугового разряда, катодной плазмы, других электрических разрядов на внешнюю поверхность трубы (трубчатого изделия) при обработке и очистке ее и на электрод (электродную систему), материал которого распыляется при нанесении покрытия на внешнюю поверхность изделия. Установка содержит обрабатываемое изделие - трубу (трубчатое изделие), помещенную внутрь корпуса, торцевые элементы вакуумной системы, формирующие вакуумный технологический объем, являющие-

ся частью вакуумной системы, системы создания вакуума, атмосферы газа, системы иницирования электрического разряда.

**В 65**

**(13)В**

**(21)** IAP 2012 0149

**(22)** 17.09.2010

**(51)** 8 В 65 D 88/16, В 65 D 90/00, В 65 D 90/04

**(31)(32)(33)** GM 584/2009, 18.09.2009, АТ

**(71)** ПОЛИКУБ СИСТЕМС ГМБХ, АТ

**(72)** БУГЛ, Розмари., КРЕГЕР, Михаэль, АТ

**(85)** 17.04.2012

**(86)** 17.09.2010, PCT/EP2010/63680

**(87)** WO 2011/033051, 24.03.2011

**(54) Битумни қадоқлаш учун контейнер**

**Контейнер для фасовки битума**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** материалларни ташиш, хусусан, материалларни ташиш учун тара, айнан, катта контейнерлар ва уларнинг каттиқ бўлмаган материалдан тайёрланган қисмлари. **Вазифаси:** текис тахлаш учун ярайдиган контейнерларни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** каттиқ бўлмаган материалдан, аниқроғи полипропилен упаковка материалдан тайёрланган ташиш ҳолатида қадоқлаш контейнери сақланадиган тўғри бурчакли контакт юзасига, ва шунингдек, тўртта ён юзасига ва битта ёпадиган юзага эга бўлган битумни қадоқлаш учун контейнер келтирилган. Бунда контакт юзаси, ён юзалар ва ёпадиган юза ёндош юзалар билан пайвандлаш йўли билан бириктирилган. Контейнер ҳар бир ён юзаси тўғри бурчакли шаклга эга эканлиги ва контакт юзанинг битта ён томони узунлиги қадоқлаш контейнерининг баландлигидан 40%га, афзалроғи 50% га, айниқса афзалроғи 100%га ортиқроқ эканлиги билан фарқланади.

**Использование:** транспортировка материалов, в частности, тара для транспортировки материалов, а именно: большие контейнеры и их составные части, изготовленные из нежесткого материала. **Задача:** создание контейнеров, пригодных для штабелирования. **Сущность изобретения:** заявлен крупный большеобъемный фасовочный контейнер, изготовленный из нежесткого материала, предпочтительнее из полипропиленового упаковочного материала, имеющий прямоугольную контактную поверхность, на которой фасовочный контейнер хранится в положении транспортировки, а также четыре боковые поверхности и одну покрывающую поверхность, предназначенный для транс-

портировки битума. При этом контактная поверхность, боковые поверхности и перекрывающая поверхность соединены, предпочтительнее путем сварки, с примыкающими поверхностями. Контейнер отличается тем, что каждая боковая поверхность имеет форму прямоугольника, и длина одной боковой стороны контактной поверхности больше высоты фасовочного контейнера более, чем на 40%, предпочтительнее более, чем на 50% и особенно предпочтительно более, чем на 100%.

## С бўлими КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ

### Раздел С ХИМИЯ И МЕТАЛЛУРГИЯ

#### С 01

(13)В

(21) IAP 2012 0165 (22) 27.04.2012

(51) 8 С 01 В 031/30, С 22 С 029/10

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти, UZ

Институт ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Хидиров Ирисали, Гетманский Вячеслав Васильевич, Каюмова Муножат Рахматиллаевна, UZ

(73) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти, UZ

Институт ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(54) **Ностехиометриявий титан карбогидридини водородсизлантириш усули****Способ обезводородоживания ностехиометрического карбогидрида титана**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** қийин эрийдиган материаллар, айнан, водород бўйича юқори тозаликдаги ностехиометриявий титан карбиди  $TiC_{0.50}$  ишлаб чиқаришнинг куқунли металлургияси. **Вазифаси:** ностехиометриявий титан карбогидридини  $TiC_{0.50}H_y$  ( $y=0.007; 0.18; 0.22$ ) ёки водород аралашмасига эга бўлган водород бўйича юқори тозаликдаги ностехиометриявий титан карбидини олиш учун водородсизлантириш. **Ихтиро моҳияти:** усул ностехиометриявий титан карбогидридини  $TiC_{0.50}H_y$  ( $y=0.007; 0.18; 0.22$ ) ёки водород аралашмасига эга бўлган ностехиометриявий титан карбидини узлуксиз ҳосил қилиб турилган  $1.33 \times 10^{-3}$  Па дан кам бўлмаган вакуумда  $600^\circ C - 750^\circ C$  ҳароратда 6-7 соат давомида термик ишлов беришни ўз ичига олади.

**Использование:** порошковая металлургия производства тугоплавких материалов, а именно: ностехиометрического карбида титана  $TiC_{0.50}$  высокой чистоты по водороду. **Задача:** обезводородоживание ностехиометрических карбогидридов титана  $TiC_{0.50}H_y$  ( $y=0.007; 0.18; 0.22$ ) или ностехиометрического карбида титана, содержащего примесь водорода для получения ностехиометрического карбида титана высокой чистоты по водороду. **Сущность изобретения:** способ включает отжиг ностехиометрических карбогидридов титана  $TiC_{0.50}H_y$  ( $y=0.007; 0.18; 0.22$ ) или ностехиометрического карбида титана, содержащего примесь водорода, в непрерывно откачиваемом вакууме не хуже  $1.33 \times 10^{-3}$  Па при температурах  $600^\circ C - 750^\circ C$  в течение 6-7 ч.

#### С 03

(13)В

(21) IAP 2012 0152 (22) 19.04.2012

(51) 8 С 03 В 37/00

(71) Тошкент ахборот технологиялари университети, UZ

Ташкентский университет информационных технологий, UZ

(72) Раджабов Тельман Дадаевич, Иногамов Акмал Муратович, Камардин Алексей Иванович, Симонов Александр Алексеевич, Давронбеков Дилмурод Абдужалилович, Таженев Кайрат Есбосымович, UZ

(54) **Фаоллаштирилган оптик толалар ярим маҳсулотини тайёрлаш усули****Способ изготовления заготовки активированных оптических волокон**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** оптик толаларни ишлаб чиқариш технологияси, нур ўтказгичларнинг (оптик толаларнинг) аралашмалар билан фаоллаштирилган ярим маҳсулотини тайёрлаш. **Вазифаси:** ярим маҳсулотини тайёрлаш технологиясини соддалаштириш ва зарарсиз, экологик жиҳатдан хавфсиз жараёнларни қўллаш. **Ихтиро моҳияти:** усул оптик тола ярим маҳсулотини таянч трубканинг ички сиртига тоза нодир элемент ва германий диоксиди қатлами кўринишидаги нодир элементни ўз ичига олган сим материални  $10^{-3} - 5 \times 10^{-4}$  Па вакуум шароитида айланиб турган ярим маҳсулотга қоплаш йўли билан тайёрлашни ўз ичига олади. Ярим маҳсулотнинг ички сиртига тоза нодир элемент ва германий диоксиди қатлами ярим маҳсулот ичидаги киздирилган қайиқчадан термик буғлатиш йўли билан амалга оши

рилади. Қатламлар тоза нодир элемент ва германий диоксиди қатламларининг навбатма-навбат алмашинадиган  $\text{GeO}_2\text{-Er-GeO}_2$  ёки  $\text{GeO}_2\text{-Er-GeO}_2\text{-Er-GeO}_2$  кўринишида ҳосил қилинади.

**Использование:** технология производства оптического волокна, изготовление активированных примесями заготовок световодов (оптического волокна). **Задача:** упрощение технологии изготовления заготовок и применение безвредных, экологически безопасных процессов. **Сущность изобретения:** способ включает изготовление заготовки оптического волокна путем нанесения на внутреннюю поверхность опорной трубки материала жилы, содержащей РЗЭ в виде слоя чистого РЗЭ и диоксида германия, на вращающуюся заготовку в условиях вакуума  $10^{-3}\text{-}5 \cdot 10^{-4}$  Па. Нанесение слоя чистого редкоземельного элемента и диоксида германия на внутреннюю поверхность заготовки проводят путем термического испарения из нагретой лодочки внутри заготовки. Слои наносят в виде чередующихся слоев чистого редкоземельного элемента и диоксида германия  $\text{GeO}_2\text{-Er-GeO}_2$  или  $\text{GeO}_2\text{-Er-GeO}_2\text{-Er-GeO}_2$ .

C 03

(13)B

(21) IAP 2012 0128

(22) 02.04.2012

(51) 8 C 04 B 11/00

(71)(72) Почтовый Сергей Владимирович, UZ

(54) Гипсли боғловчи материални олиш усули

**Способ получения гипсового вяжущего материала**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** паст ҳароратда пишириладиган гипсли боғловчи материални ишлаб чиқариш. **Вазифаси:** тайёр маҳсулот бирлигини олиш учун сарфланадиган иссиқлик ва электр энергиясини камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** ярим сувли гипсни олиш учун дастлабки икки сувли гипсга герметик ёпиқ аппаратда вакуумда иссиқлик билан ишлов берилади. Таклиф этилаётган ихтирога мувофиқ гипсли боғловчи материални олиш жараёни даврий жараёндан иборат.

**Использование:** производство низкообжиговых гипсовых вяжущих материалов. **Задача:** снижение затрат тепловой и электроэнергии на получение единицы готового продукта. **Сущность изобретения:** для получения полуводного гип-

са исходный двухводный гипс подвергают тепловой обработке в герметично закрытом аппарате, в вакууме. Процесс получения гипсового вяжущего материала предлагаемым изобретением - периодический.

C 07

(13)B

(21) IAP 2012 0167

(22) 30.04.2012

(51) 8 C 07 D 209/52, C 07 D 403/12

(31)(32)(33) 11/01347, 02.05.2011, FR


(71) ЛЕ ЛАБОРАТУАР СЕРВЬЕ, FR

(72) ТРОКМЕ-ТИБИЕРЖ, Карин,; СОРС, Ороп, FR

КИМ-ГИБЭР, Флоранс, SG

(54) **4-{3-[цис-гексагидроциклопента[C]пиррол-2(1H)-ил]пропокси}бензамид билан ацетилхолинэстераза ингибиторлари орасидаги янги ассоциация ва таркибида шу ассоциация бўлган фармацевтик композициялар**  
Новая ассоциация между 4-{3-[цис-гексагидроциклопента[C]пиррол-2(1H)-ил]пропокси}бензамидом и ингибитором ацетилхолинэстеразы и фармацевтические композиции, её содержащие


(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, фармацевтика. **Вазифаси:** бош мия қариши ва нейродегенератив касалликлар билан боғлиқ когнитив касалликларни даволаш учун мўлжалланган янги дори воситаларини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** (I) формулани 4-{3-[цис-гексагидроциклопента[C]пиррол-2(1H)-ил]пропокси}бензамид ассоциацияси:



ёки унинг фармацевтик мақбул кислота ёки асос ва ацетилхолинэстераза ингибитори билан бириккан тузи, ва шунингдек, ушбу ассоциацияни ўз ичига олган бош мия қариши ва нейродегенератив касалликлар билан боғлиқ когнитив касалликларни даволаш учун қўлланиладиган фармацевтик композиция таклиф қилинган.

